ҚУЙИ АМУДАРЁ БЎЙИДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИ: ҚОЗИЛАР ИНСТИТУТИГА МУРОЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).

Опаев Б.
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

XIX аср охири – XX аср бошларида Қуйи Амударё бўйидаги ўзбек жамиятида қонуний ва ижтимоий муаммолар кўплаб учраган. Бу даврда ҳудудда вужудга келган сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар аҳолининг турмуш тарзига, хусусан, уларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий аҳволига жиддий таъсир кўрсатган. Мазкур даврдаги ўзбек халқининг ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларини чуқурроқ англаш, уларнинг ечими йўлларини таҳлил қилиш учун қозилар институтига келиб тушган мурожаатларнинг ўзига хос манба сифатида аҳамияти катта.

Қозилар, шариат қонунлари асосида фаолият юритиб, оиладаги, мол-мулкка оид, мерос, никоҳ, талоқ ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишган. Айнан шу мурожаатлар орқали ўша даврдаги аҳолининг турмуш тарзи, уларни ташвишга солаётган муаммолар, ҳуқуқий онгининг даражаси ва қозилар фаолиятига бўлган муносабати ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин. Бу мурожаатлар, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликлар, аёлларнинг ҳуқуқлари, қулдорликнинг қолдиқлари ва бошқа долзарб масалаларни ёритиб беради. XIX аср охири - XX аср бошларидаги Қуйи Амударё бўйи ўзбек жамиятининг мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий манзарасини очиб беришда қозилар институтига келиб тушган мурожаатлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг таҳлили натижасида ўша давр кишиларининг дунёқараши, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини янада чуқур идрок этамиз.

Амударё бўлимидаги олинган ўлчамлар бўйича Полковник Носович томонидан вақф ерларнинг жойлашуви ва бошқада маълумотларни келтирилган: “Бизга маълумки, қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қирғизлар ерга нисбатан ўзлари «мулк ҳуқуқи» деб атайдиган ҳуқуқлари бўлишига қарамай, Хива хонларидан айнан шу ерлар учун ёрлиқлар олишган. Бундай хон ёрлиқларининг барчасида (Чимбой участкаси бўйича жами 27 та) қуйидагилар ўзгаришсиз баён этилган: Қайси йилда, қайси хонда (йилларнинг эски ҳужжатлари, кўпчилиги 20 йил ва ундан ҳам камроқ муддатда чиқарилган, атиги 40 йил олдин битта ҳужжат, лекин қайсидир ерда 1871 йили сотилган, шунча танаб ер, баҳоси (тилла) шунча

тиллага, навкар хизмати учун давлат ерларидан. Энди бу ерлар зикр этилган шахс учун мулк-холиқ ҳисобланади ва у отадан ўғилга меърос ўтиши керак.

Маълумки, ёрлиқларда кўрсатилган пуллар ҳеч қачон ҳақиқатда тўланмаган ва шунинг учун неча тиллага сотилганини, унинг нархини (тилла) айтилмаган. Мусулмонлар, барча ерлар давлатники эканлигини ва шунинг учун фақат бу ҳуқуқни берган ёки сотилган тақдирдагина сотиш мумкин, бу ҳолатда ёрлиқ чиқаради. Қорақалпоқлар ва ўзбеклар оқсоқолларига берган шу каби мулоҳазаларим эътирозсизлигича қолмоқда, чунки улар қандайдир қозилик жавоблар бериш учун мусулмон қонунларидан мутлақо бехабар[1, 143]. Шариатдан бехабар оддий фуқаролар шундоқ ҳам осон бўлмаган вазиятни янада чигаллаштиргани ҳақида мурожаатда сўз боради. Хатда ер масалаларини ҳал этишда ҳуқуқий саводхонликнинг йўқлиги ҳам аҳволни оғирлаштирувчи омил сифатида келтирилган. Бундан ташқари, мактубда бу каби муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш зарурлиги масаласи кўтарилган.

Николай Александрович Подшо номига йўлланган яна бир хатда Хўжайли ҳудудида истиқомат қилувчи найман ўзбекларидан учта отнинг тортиб олингани ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, ҳужжатда хабар берилишича, мазкур отларни қози Ўроз 10 кишидан иборат гуруҳ ихтиёрига топширган[1,147]. Мактуб бевосита подшонинг ўзига йўлланган эди: қози ўзи адолатли ҳал қилиши лозим бўлган суд муҳокамасида кўриб чиқилаётган жиноий қилмишларга қўл урганидан сўнг, унга бўлган ишонч йўқолганлигини англатади.

Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинган ҳолатда қози судда гувоҳлардан ҳовлининг ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг қози даъво қилинаётган ерга бориб гувоҳлар ва даъвогардан кўчмас мулкнинг тўрт томонидан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган .

Шўрахон участкасининг пристави Шкапский томонидан келтирилган ҳужжатда бу жиҳатлар кўрсатилган: “Мухаммад Амин Баҳадурхоннинг сўзлари. 1270 йил, раби ал-саний ойида, жума ойининг 7-куни (1853 йил 27 декабрь). Муҳаммад Амин Баҳадурхон Шўрахон шаҳри ҳудудида, Оқбошли элатида жойлашган давлат еридан навкарлик хизмати учун меросхўрлик ҳуқуқи билан баҳоси 75 тиллага 15 танап ерни Балта қазақнинг ўғли Қутлумуродга сотди. Бу ернинг чегараси: шарқдан Абдуллоҳ Ниёз, Абдуллоҳ Жабар ва Шайх Ниёзнинг ерлари, шимолдан Муҳаммад Шериф, ғарб ва жанубдан Рўзи-Муҳаммаднинг ерлари. Ушбу ҳужжат эгаси томонидан олингандан сўнг, бу ерга ҳеч кимнинг даъвоси бўлмаслиги керак, акс ҳолда жазо қўлланилади”. Ҳужжатлар қози-калон ва қози-аскар муҳрлари билан муҳрланган ва хон муҳри билан тасдиқланган[2, 98].

Суд процесси хусусий даъво тури бўйича қурилган, яъни фуқаролик ва жиноий ишлар фақат даъво аризаси билан қўзғатилган. Шариат қоидаларига кўра, қози ишни моҳиятан кўришни бошламасдан туриб, ишни мурoса йули билан тугатишни таклиф қилиши керак эди. Агар таклиф қабул қилинса, бу жараён тугатилади. Агар томонлар келиша олмаса, қози ишни кўриб чиқишга киришади. Даъвогардан этиб келган қозихати йил ва сано ёзилиб, қозининг муҳри босилган. Масалан, шундай ҳужжатлардан бирида 1324 ҳижрий, 22 джумади аввал, Мурод Камал ….деб ёзилиб 2 даъвогарнинг этиб келиши ҳақида қози хати ёзилган[3, 67].

Таъкидлаш жоизки, жабрланувчи суд ҳукми чиқарилгунга қадар иш кўриб чиқилаётганда ҳам айбловдан воз кечиши мумкин эди, кейин эса тарафлар иши мурoса билан якунланади.

Бошқа ҳудуддан Хива хонлигига қошиб ўтган ёки Хива хонлиги фуқароси жиноят қилиб бошқа ҳудудга қошиб кетса жиноятчини қидириб қози хат йуллаган. Бошқа ҳолатда Хива хонлигининг ўзининг ичидаги бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга хат йуллаб сўраган. Унга ўзига тегишли ҳудудда бор ёки йуқ эканлиги бўйича ҳар бир қози жавоб хати ёзган. Масалан, қуйидаги ҳужжатда: “14 март 1906 жил ёзган хатимизда Ниязбийка исимли ночор қози ҳузурида Шўманай бийлиги (Хива хонлигига қарашли) да эди. Худайберган Зарлиқ ўғлинан айирилиб талоқ бўлиб кетуб ҳозирда Хива қарамағида ўтирибти” - деп маълумот берилган[3, 37].

Қозихона ҳужжатлари орасида энг кўп учрайдиган ҳужжатларидан бири ерни сотиш ёки сотиб олиш бўйича бўлиб, уларда ернинг кимдан олинганлиги, ернинг кўлами ва сотиб олувчининг ер учун қайси пулда қанча тўлаганлиги кўрсатилади. Шунингдек, ҳужжатнинг охирида гувоҳларнинг исми-шарифи ёзилиб, қозининг муҳри босилган бўлади.

Мерос қолдириш бўйича ҳужжатларда мерос қолдирувчи инсоннинг нечта меросхўри борлиги, уларнинг кимлиги ва уларга нималар қолдирилиши бирма-бир ёзилади. Қўйидаги ҳужжатда бу аниқ кўрсатилган: “1332 йил 29 шабон / 1914 йил 22 август, Мулла Адина келди ўғли Мулла Оллоҳқули қолдирган меросни тақсимлаш. У вафот этгач, ўғилларидан икки меросхўр қолди: Абдулла Махдум ва Бобожон Махдум. Уларнинг Пишканик ҳудудидаги ерлари ва уйлари ўн йил олдин улар ўртасида тақсимланган, аммо тўлиқ эмас. Бу даврда Абдуллоҳ Махдум ҳам вафот этди. У меросхўрларини қолдирди: Мамажан-бика исмли хотини, Муҳаммад-Ёқубнинг қизи, икки қиз ва этти ўғил: уларнинг каттаси Муҳаммад-Карим ва Насруллоҳ. Биринчи бўлинишда қолган тақсимланмаган мулк адолат ҳакамлари томонидан баҳоланди ва ундан зикр этилган Муҳаммад

Карим ва Насруллоҳнинг улуши саккизта ер эди: биринчи тўртдан уч танаб, иккинчиси бир хил, учинчиси, уйлари ва ёғ хонаси (жуваз-хона) бўлган қирқта агри, тўртинчиси, Қият-Қўнғрат ҳудудидаги Бўз-қалъада тахминан 55 та таноб, бешинчиси – 54 тага яқин, яна зикр этилган Бўз-қалъада, олтинчиси, Майли-чангал ҳудудида иккита танаб ва 60 агри, эттинчиси ўша Майли-чангалда тахминан ярим танаб ва қирқ агри, саккизинчи ёпиқ уй ўша жойда. Буларнинг барчаси 111 тиллага баҳоланган бўлиб, уларнинг ҳар бири муомаладаги тўққизта тангага тенг. Рўйхатга олинган барча мулклар ушбу бўлимга рози бўлган Муҳаммад-Карим ва Насруллоҳга топширилди.

Гувоҳлар. Паҳлавон-Ниёз оқсоқол, Абдалкарим.

Қотиб: Дамулла Карим-берди.

Думалоқ муҳр: 4,5 см Қози оқза ал-қуззот Дамулла Муҳаммад-Салим ахунд ибн Муҳаммад-Саид марҳуми[4, 53-54].

Амударё бўлимида нисбатан қозиларнинг фаолиятига норозиликлар кўп бўлганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Жумладан, Сирдарё вилояти прокурорининг 1893 йил Амударё бўлими мировой судьяси билан ёзишмаларида келтиришича Тўрткўл қозиси Исмаил Қулмухаммедов ҳужжатларни қалбакилаштиришда айибланади ва ҳарбий губернатор топшириғига кўра сўриштирув олиб бориш учун Амударё бўлими бошлиғига юборилади. Суриштирув бўйича Исмоил Қулмухаммедов даволаниш учун Хивага борганида 1893 йили 25 сентябрда ўлганлиги сабабли иш тўхтатилганини билдирилади[5, 1, 8, 10].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё бўйи ўзбекларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳаётида қозилар институти марказий ўрин тутган. Қозиларга мурожаатлар таҳлили мазкур институтнинг нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий низоларни ҳал этишдаги асосий восита эканини кўрсатади. Архив ҳужжатлари (ЎзР МА, И-125 ва 907 фондлари) ва тарихий манбалар гувоҳлик берадики, аризаларнинг катта қисмини ер-сув масалалари, мерос, никоҳ-оила ва қарз-мажбурият низолари ташкил этган.

Шу билан бирга, қозилар фаолиятида икки хил ҳуқуқий тизим - ислом шариати ва маҳаллий урф-одат меъёрларининг уйғунлашуви кузатилади. Бу ҳолат мурожаатларнинг мазмуни ва ҳал этилиш тартибида ҳам акс этган. Тадқиқот натижалари қозилар институтининг жамиятдаги ишонч даражаси юқори бўлганини, аммо XIX аср охиридан бошлаб рус маъмуриятининг аралашуви натижасида унинг ваколат доираси босқичма-босқич чегараланганини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, қозилар институти Амударё бўйи ўзбек жамиятида ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи, ижтимоий адолатни амалга оширувчи муҳим механизм бўлган. Мурожаатлар таҳлили орқали мазкур даврдаги ижтимоий муносабатлар, мулкчилик шакллари ва ҳуқуқий онг даражасини ёритиш имкони туғилади. Мазкур масаланинг чуқур ўрганилиши ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқий анъаналари тарихини тўлақонли тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар руйхати:

1. ЎзР МА, И-907-фонд, 1-руйхат, 32- йиғма жилд
2. Шкапский О. Земледелие в землевладение в Шураханском участке Аму-Даръинского отдела // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1900.
3. ЎзР МА, И-125, 1-руйхат, 151- йиғма жилд
4. Каталог хивинских казийских документов XIX–XX вв. Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикова, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. – Ташкент-Киото: 2001.
5. ЎзР МА, И-17, 1-руйхат, 5125-йиғма жилд